



“Тасдиқлайман”

Чилонзор тумани халқ таълими
бўлими мудир
С.И. Мамадалиев

**Чилонзор тумани халқ таълими бўлими томонидан қўйилган эълон
бўйича танлов ҳужжатлари
Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот**

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими тасрруфидаги 101-сонли умумтаълим мактаб муассасасида 2022 йил июль ойида амалга оширилиш кўзда тутилган мактаб ховлисида педагог ходимлар учун ёзги айвон қўриш.

101-сонли умумтаълим мактаб ховлисида педагог ходимлар учун ёзги айвон қўриш Чилонзор туман ҳокимининг 2022 йил 9 июндаги 336-14-204-Q/22 -сон қарори билан ажратилган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Муассасага мактаб ховлисида педагог ходимлар учун ёзги айвон қўриш, смета ҳужжатларини тузиш учун нуқсонли далолатнома илова қилинган, ушбу нуқсонли далолатнома асосида смета ҳужжатлари амалга оширилиш шарт. Шартнома бўйича ишларни яқунлаб тўлиқ ишларни топшириш далолатномаларини буюртмачи халқ таълими бўлимига топширади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими томонидан 101-сонли умумтаълим мактаб ховлисида педагог ходимлар учун ёзги айвон қўриш ишларини смета ҳужжатлари тузиб чиқиш учун 80 000 000 сўм маблағ ажратилган. Хизматнинг умумий нархи 80 000 000 сўм бўлиб ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда амалга оширилади шунингдек, тўлов ва қафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 5 иш кунинда 30% олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 70% пул маблағлари иш яқунлангандан сўнг 10 банк иш кунинда тўлиқ ўтказиб берилади,

Танлов бўйича таклифлар қабул қилишнинг бошланиши ва тугаши элонда кўрсатилган вақт ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши шарт.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини тушунтириш талаби билан ёзма ва оғзаки сўров бериши мумкин. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунини ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга тегишли жавоб юборади.

Хизматнинг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун таклифларни

Танлов etender.uzex.uz орқали эълон муддати тугаган кундан бошлаб учинчи иш кунидан кейинги кун (шанба, якшанба кунлари дам олиш кунини ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади.

Иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Иштирокчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

2. Муайян давлат харидлари тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ва тушунтиришлар олиш;

3. Харид қилиш тартиб-таомиллари бузилган тақдирда давлат харидлари натижалари устидан белгиланган тартибда 2 кун ичида шикоят қилиш;

4. Давлат харидлари тартиб-таомилларида кўрсатилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ таклифларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни қайтариб олиши мумкин.

Иштирокчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

2. Давлат харидлари тўғрисидаги ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни etender.uzex.uz орқали тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;

3. Ҳолиб деб топилган тақдирда давлат буюртмачиси билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

4. Иштирокчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари

Давлат буюртмачиси ёки махсус ахборот портали оператори қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг бажарилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устунликка эга бўлса ёки қонун ҳужжатларини бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари ҳолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ҳолибни (ҳолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан авфилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг авфилланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг авфилланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

Танлов иштирокчиларининг баҳолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ 684–сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 23.04.2021й., 03/21/684/0367–сон)га асосан ишлаб чиқилган.

Баҳолаш мезони Чилонзор тумани халқ таълими бўлими томонидан танловга қўйилган хизматни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вақтида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамойилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

Иштирокчилар қуйидаги ҳужжатларни PDF форматда электрон тарзида etender.uzex.uz орқали жойлаштиришлари лозим (Танлов иштирокчиларининг таклифлари рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир варағи имзоланган ҳолда жойлаштириш тавсия этилади.)

Тижорат таклифи ва Офёрта (объектда материал нархлари сифатсиз маҳсулотлар киймати даражасига тушиб кетмасин).

Охирги бюджет ташкилотларида ишлаган объект буюртмачиларидан тавсиянома.

ЎРҚ 684–47 бандига асосан инсофсиз рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома (эълонга қўйилган давр учун)

Буюртмачи билан объектни олдиндан куздан кечириш далолатномаси

Давлат солиқ қўмитасидан 2019-2020-2021 йиллар учун молиявий натижа ва баланс нусхасидан кўчирма

Объектнинг охирги 10% қолдик суммасини қурилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тўлаб берилишига розилик хати.

Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги, уларнинг сони тўғрисидаги маълумот

Корхонанинг гувоҳномаси банк ва солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (эълонга қўйилган давр учун).

Доимий равишда ишловчи ходимлар 12 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги mu.mehnat.uz дастурига киритилганлигидан нусха.

Танловдаги объектга ўхшаш бюджет объектларидаги шартномалар ва рўйхати, охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Танлов иштирокчисининг салоҳияти (рейтинг категорияси).

Коррупцион ҳолатларга йўл қўйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси

Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат фаолият тўғрисидаги 1-2 шакллар маълумоти, ҳисоб рақамдаги маблағнинг мавжудлиги.

Иш тажрибаси 5 йил бўлиши лозим, ишни уз вақтида бажариб бериши учун кафолат хати

Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг 1; 2; 3;4,5,6,7;8,9,10;11;12,13,14; - рақамдаги талаблардан бири тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Кейинги босқичга рухсат этилган номзодларнинг тақдим этилган ҳужжатлари қуйидаги тартибда баҳоланади.

Танлов иштирокчиларини ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштирок ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қуйишлари керак.

Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар инobatга олинмайди.

Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари тақдим этилган кундан этборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолаш амалга оширади.

Малака баҳоланганидан сўнг танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози хал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни этиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиш мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консултатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. (Экспертлар жалб этилганда хулоса бир ой муддатда хулоса элон қилинади). Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари танлов комиссияси аъзолари каби танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов ҳужжатлари талабларига риоя этиш маъсулятини ўз зиммаларига оладилар.


Ушбу талабнома Чилонзор тумани халқ таълими бўлими маъсул ходимлари:

Халқ таълими бўлими мудирини, бўлим бош ҳисобчиси, бўлими махсус эксплуатация хизмати бўлими бошлиғи, давлат харидлари бўйича мутахасиси томонидан тузиб чиқилди.

Халқ таълими бўлими мудирини

С.И. Мамадалиев

Халқ таълими бўлими бош ҳисобчи



З. Абдурасулов

Халқ таълими бўлими махсус

эксплуатация мутахасиси



У. Ботиров

Халқ таълими бўлими бош иқтисодчи



С. Нормуродов

Бош мутахассис (товар-моддий қийматликлари
ҳисоби бўйича бўйича бухгалтер)



А. Батбаев

101-мактаб директори



Н.Алимова